

## МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Иродахон Назарова**

*ФарДУ Санъатишунослик факультети*

*“Муסיқий таълим ва маданият” кафедраси ўқитувчиси*

[irodanazarova1963@gmail.com](mailto:irodanazarova1963@gmail.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётида маънавият ахлоқ-одоб, маърифатнинг ўрни ҳамда мамлакатимизда шахс тарбияси миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги тўғрисида баён этилган.

**Калит сўзлар:** маънавият, тарбия, ахлоқ-одоб, шахс, маърифат, интеллектуал, салоҳият, эътиқод, жамият.

**Аннотация:** В данной статье описывается роль духовности, этики, просвещения в развитии Узбекистана, а также гармония национальных и общечеловеческих ценностей образования личности в нашей стране.

**Ключевые слова:** духовность, образование, нравственность, личность, просвещение, интеллектуальный, потенциал, вера, общество.

**Annotation:** This article describes the role of spirituality, ethics, enlightenment in the development of Uzbekistan, as well as the harmony of national and universal values of personal education in our country.

**Key words:** spirituality, education, morals, personality, enlightenment, intellectual, potential, faith, society.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти, ёшларнинг маънавий тарбияси ижтимоий фаолиятда барча даврларда ҳам муҳим аҳамият касб этиб келган. Хозирги Янги Ўзбекистонни яратиш даврида ёшларнинг баркамол шахс бўлиб етиши жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, илмий-технологик жихатдан тараққиётида муҳим рол ўйнайди. Бу жараёни амалга ошириш эса жамиятда миллий маънавий тарбияни тўғри амалга ошириш билан боғлиқ.

Маънавият ҳамма замонларда ҳам дунё халқларининг энг буюк бойлиги бўлиб келган ва уни ҳар томонлама мустаҳкам асраб авайлаб авлоддан-авлодга безавол етказиб келинган. Бугунги куннинг талаби ҳам тарихий бой маънавиятимизни келажак авлодларга софлигича етказиш ҳар бир жамиятимиз фуқаросининг олдидаги муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида: “Маънавият инсонни рухан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” деб таърифлаган эдилар.

Шахснинг шаклланиши жамиятда амалга ошириши маълум. Жамият тараққиётининг асосий йўналишларини иқтисодиёт, сиёсат ва маънавият ташкил

этади. Бу сохаларнинг барчаси жамият аъзоларининг ҳаётига бирдек таъсир этади. Тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири маънавий тарбиясидир. Бу тарбия жамият ва инсоннинг моҳиятини ифода этувчи рухий, ақлий ва хиссий тарбия сифатида, юксакликка интилувчи, фаолиятининг барча сохаларида эзгу амалларни амалга оширишга интилувчи юксак баркамол шахс тарбиясидир. Баркамол шахс жисмонийгина эмас, рухий соғлом бўлган ўзини англаган шахсдир. Жамият ва шахс ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, шахснинг маънавий онги жамият маънавиятининг хусусиятларини ва асосий жиҳатларини акс эттиради.

Тарбия тўғрисида турли фикрлар ва ёндашувлар мавжуд. Тарбия энг аввало, жамият в унинг аъзолари, ижтимоий институтлар томонидан шахсда онгни, тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш, унда маънавий, ахлоқ ва маданиятни шакллантиришга қаратилган онгли, мақсадли фаолият ҳисобланади. Шахсни тарбиялаш шахсда маънавиятни тарбиялаш ва уни маънавий тараққиёт томонга йўналтириш сифатида англанилиши зарур. Ҳар қандай тарбия замон талаблари ва жамият, миллат эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Унинг моҳиятида мазкур даврнинг хусусиятлари, моҳияти, стратегик мақсадлари акс этади. Тарбия жараёни жамият аъзолари ва айниқса, ёшларнинг онги ва қалбини тарбиялашга қаратилган бўлиб, унинг йўналишларини турлича тавсифлаш мумкин. Хусусан, тарбиянинг шакллари ижтимоий онг шаклларига мос тарзда айтадиган бўлсак, улар қуйидагилар:

- ахлоқий тарбия;
- диний тарбия;
- сиёсий тарбия;
- ҳуқуқий тарбия;
- иқтисодий тарбия;
- меҳнат тарбияси;
- эстетик (санъат) тарбияси.

Тарбиянинг қайд этилган йўналишлари маънавиятнинг ҳам шаклларига мос тушади. Фаолият нуқтаи назаридан масалага ёндашганда асосан меҳнат қилиш, билим олиш ёки бошқа фойдали фаолият тури билан шуғулланишга қаратилган тарбиянинг шакллари тўғрисида айтилиши мумкин. Албатта, тарбия жараёни мураккаб, инсонда янги хусусият ва хис туйғуни, тафаккур қилишнинг ўзига хос жиҳатларини шакллантириш вазифасини бажаради. Ҳар қандай тарбия инсоннинг онгини ривожлантириш ва уни яхши амалларни бажаришга йўналтиради. Тарбиянинг қадимий тамойилларидан бири “Авесто”да акс этган эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амалнинг бирлигида иборат.

Жамият ва миллат тараққиёти ҳар бир жамият аъзоси ва миллат вакилидан бу йўлда маълум вазифаларни бажаришни талаб этади. Профессор А.Бегматовнинг фикрича, “Жамият, ҳар бир шахс олдига муайян талаблар қўяди. Шахс ана шу талабларни бажаришга қодир бўлиши учун жамият уни тарбиялаши лозим. Тарбия

жараёнида шахснинг жисмоний ҳамда рухий сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсад қилиб қўйилади. Шахснинг маънавий жиҳатдан юксалиши учун у жисмонан ва рухан соғлом бўлиши керак. Шунинг учун ижтимоий тарбия тизимида асосий эътибор жисмоний ва рухий тарбияга қаратилади”<sup>31</sup>.

Таниқли файласуф Қ.Назаровнинг фикрича, “Тарбия авлодлараро ижтимоий-тарихий ва ҳаётий тажрибани узатишга хизмат қиладиган, оила, таълим муассасалари, ижтимоий, сиёсий ва бошқа ташкилотлар: ОАВ ва бошқаларнинг таъсири остида жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонни шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнини англаувчи тушунча. Тарбия инсонга индивидуал ва ижтимоий, онгли ва онгсиз таъсирларнинг йиғиндисини мужассамлаштиради, якка ушига, маълум бир жамоага, халқ ёки миллатга қаратилган бўлиб, давлат ва жамият қурилиши ҳамда ривожланишида муҳим аҳамиятга эга”<sup>32</sup>.

Тарбия ижтимоий ҳодиса сифатида ўзига хос тизимга эга. Тарбияни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганишда унга тизимли ёндашув мақсадга мувофиқ. Юқорида қайд этилганидек ҳар қандай тарбия ўзига хос, мураккаб тизим бўлиб, у турли элементлардан ташкил топган. Аслини олганда, тарбия бир томондан, жамият ва унинг аъзоларига таъсир этиб, уларни ўзгартиришга қаратилган ижтимоий ҳодиса, иккинчи томондан жамиятнинг ўзи тарбияни ижтимоий жараён сифатида ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб шакллантиради ва унинг олдида маълум талаблар қўяди. Жамият тараққиёти тарбиянинг ҳам моҳиятини ўзгариб боришига таъсир этади. Унинг методлари ҳам мунтазам давр ўзгариши билан ҳамда ижтимоий-тарихий жараённинг тараққиёти натижасида такомиллашади.

Абдулла Авлонийнинг машҳур сўзлари “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот-ё халокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деган сўзлари барча даврларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Тарбия жамият, миллат ва ёшлар келажагини, тақдирини белгилайди. Авлодлар ўртасидаги ворисийлик тарбия асосида таъминланади. Чунки тарбия воситасида авлодлар маънавий бойлиги келажак авлодларга узатилади. Тарбия жараёни миллийлик, миллат руҳияти, менталитети, турмуш тарзи, маданияти ва бошқаларни акс эттиради. Шунга кўра “миллий тарбия” ибораси қўлланилади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жамият аъзолари олдида маълум талабларни қўяди. Бундай талаблардан бири янги жамиятга мос равишда янги тафаккурга, янги дунёқараш ва янгича фуқаролик позициясига эга бўлишдир. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев замонавий шахсларни тарбиялаш борасида муҳим вазифалар турганига эътибор қаратади: “Юртимиздаги янгиланиш жараёнлари ва ислохотларга дахлдорлигини ҳис қиладиган, мамлакатимизнинг энг ривожланган давлатлар қаторига киришидаги ўз ўрни ва иштирокини теран англайдиган, бу йўлда фаол фуқаролик позициясига, креатив ва инновацион тафаккурга эга бўлган замонавий

<sup>31</sup>Бегматов А., Анварова Д. Маънавий тарбия.Т.:” Akademia”, 2013.-Б.51.

<sup>32</sup> Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси Қомуси.П. О-Х. “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамият”и нашриёти. “Маънавият” нашриёти. Т.:2019.-Б.270.

шахсларни тарбиялашнинг концептуал асослари ва амалий фаолият мезонлари ишлаб чиқилмаган. Бу эса соҳада жиддий бўшлиқ мавжудлигини яна бир марта исботламоқда”<sup>33</sup>.

Янгича тафаккур шахсдан давр руҳига мос равишда фикрлашни, жамиятнинг замонавий тараққиёти олдида турган талабларини англаш ва шунга мос равишда фаолият олиб бориш, барча соҳаларда фаол позицияга эга бўлишни талаб этади. Шунингдек, янгиланаётган жамият шахснинг ҳатти-ҳаракатлари, амалга ошираётган ишлари билан замонга мос, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан, тинмай изланувчи ва мунтазам интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириб боровчи, Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларини тўғри англаб етувчи хусусиятларга эга бўлишни талаб этади. Бундай талабни бажара олишнинг йўллари билан бири тарбияни тўғри ташкил этишдан иборат.

Янги Ўзбекистонда тарбия муаммосининг концепцияси ҳам янгиланаётган жамиятга мос тушадиган бўлиши зарур. Бундай концепция тарбияга тизимли ёндашув асосида, маънавий тарбиянинг барча қирраларини ўз ичига олган ҳолда унинг самарадорлигини таъминлаши талаб этилади. Маънавий тарбия кўп қиррали миллий маънавий тарбиянинг ахлоқий, илмий, сиёсий, ҳуқуқий, диний шакллари билан ўзаро синтезига асосланган ҳолда миллатнинг бу соҳадаги қадриятлари, маданияти, асрлар давомида ўзини оқлаб келган илғор ғояларига таяниши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, мамлакатимизда шахс тарбияси миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига асосланганда, бир томондан, миллийлик ва тарихийлик, миллий маънавий тарбия тамойилларига амал қилинса, иккинчи томондан, прогрессив замонавий қадриятларга ҳам алоқадорлик ва тўғри муносабат, улардан орқада қолмасдан, замон билан ҳамнафас бўлишга интилиш амалга ошади. Ўзбекистоннинг келажакда дунё ижтимоий-маданий маконида ўзининг нуфузли ўрнига эга бўлиши ҳамда барқарор тараққиётида иқтисодий, сиёсий ва бош омилар қаторида маънавият ва маънавий тарбия омили ҳам муҳим ўринга эга. Мамлакатда амалга оширилаётган модернизация ва ислохотлар иқтисодий ва сиёсий соҳанинг эҳсанга олинишига ҳам қамраб олган бўлиб, улар жамият ва унинг аъзоларининг маънавий юксалишига хизмат қилади, дейиш мумкин. Бу нуқтаи назардан Янги Ўзбекистоннинг келажак тараққиёти эркин ва фаол фуқаролик позициясига, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлган, ўз ҳаётида қонун устуворлигига амал қиладиган, ўз манфаатларининг эҳсанга олинишига ҳам қамраб олган бўлиб, Ватан манфаатларини ҳам ўйлайдиган баркамол ва прагматик шахснинг фаолиятига боғлиқ. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев куйидагича фикр билдиради: “Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак бўлган, ватанпарвар

<sup>33</sup>Мирзиёев Ш.М.Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.:Ozbekiston, 2021.-Б.294-295.

ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмакдамиз<sup>34</sup>".

Маънавий тарбия тизимли амалга оширилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Маънавият, маънавий тарбия соҳасида иқтисодиёт катта аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай жамиятда бу икки соҳа ўзаро боғлиқ ҳолда тараққий этади. Иқтисодиётни генезиси нуқтаи назардан қаралса, у маънавият тараққиётини таъминлаши мумкин. Маънавият иқтисодиётнинг моҳиятини акс эттиради. Жамият тараққиётида бу икки соҳанинг уйғунлиги таъминланганда, у юксак даражага эришиши мумкин. Иқтисодий тараққиёт жамият аъзоларига илм-фан, билим олиш, китоб ўқиш, эстетик кадрларни ўзлаштириш, санъат ва гўзалликка алоқадор бўлиш, театр ва бошқа санъат турларига қизиқиш учун моддий ва маданий, бўш вақтга эга бўлиш каби имкониятлар яратади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, маънавий тарбиянинг барча йўналишлари ўзаро алоқадор бўлиб, тизим сифатида амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга.

### АДАБИЁТЛАР РОЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз.Т., 2017.

2. И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч”. (Иккинчи нашри)Тошкент “Маънакият” 2011й.158- 159 б.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон,1993.

4. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. Т.: Маънавият, 1997.

5. Mannopov, S., Najmetdinova, M., Ataboeva, S., Nazarova, I., & Mo'yudinov, J. (2021). Analysis of Research on Aesthetic Features of Uzbek Folk Music. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(10).

6. Sultonali Mannopov, A., Abdusalom Soliev, U., & Tokhir Shokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845-6853.

7. Имямин Қирғизов, Имомова Одинахон //ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ – АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК РАҲИМАХОНИМ МАЗОХИДОВА ТИМСОЛИДА САНЪАТКОР ХОТИРАСИ// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 7. October 2022. 108-117 pages.

8. Nazarova, I.Z. (2022, May). FACTORS IN THE ART OF NATIONAL DANCE IN YOUTH EDUCATION. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 38-40).

<sup>34</sup>Мирзиёев ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.2-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2018.-Б.491.



9. Назарова, И. (2023). МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИНИНГ АМАЛИЁТДАГИ МЕЗОНЛАРИ. Евразийский журнал академических исследований, 3(8), 144-149.
10. Nazarova, I. (2023). HISTORICAL STAGES OF UZBEK NATIONAL DANCE ART. International Conference on Multidisciplinary Research, 1(4), 49-54.
11. Nurmatovich, S. T. (2023). МУҚАДДАС ИСЛОМ ДИНИМИЗДА МУСИҚАГА МУНОСАБАТ. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(5), 1176-1184.
12. Шокиров, Т. (2023). МАҚОМ ЯККА ХОНАНДАЛИГИДА ОВОЗЛАР ВА АНСАМБЛДА КУЙЛАШ. *Наука и инновация*, 1(8), 141-145.
13. Шокиров, Т.Н. (2022). МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (фольклор, достончилик, мақом мисолида). *Science and innovation*, 1(С3), 31-38.
14. Шокиров, Т.Н. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МУСИҚА ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 353-359.
15. Shakirov, T. N. (2022). SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(06), 1-10.
16. Шокиров, Т.Н. (2023). АНЪАНАВИЙ ХОНАНДАЛИК ИЖРОЧИЛИГИДА ОВОЗЛАР ВА АНСАМБЛДА КУЙЛАШНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(5), 1004-1010.
17. Шокиров, Т.Н. (2022). ВОРИСИЙЛИК ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 457-464.
18. Shokirov Tokhirjon Nurmatovich //THEORETICAL OF NATIONAL MUSIC CULTURE FUNDAMENTALS// *European Scholar Journal (ESJ)*. Vol. 2 №.9, SEPTEMBER 2021. 37-39 pages.
19. Najmetdinova, M. (2023). YOSHLAR AXLOQIY TARBIYASINI YUKSALTIRISHDA OMMAVIY-MADANIY TADBIRLARNING FALSAFIY TAHLILI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(6), 17-24.
20. Нажметдинова, М. (2023). ФАРФОНА ХАЛҚ ТЕАТРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(8), 61-65.
21. Najmetdinova, M.M. (2023). YOSHLARNING ESTETIK TARBIYASINI SHAKLLANTIRISHDA–AJDODLAR MEROSINING TUTGAN O'RNI. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(5), 1185-1191.
22. Нажметдинова, М., & Жўрабоева, Х. (2023). МАҚОМ САНЪАТИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 813-817.

23. Турсунова, Л. (2023). ЁШЛАР МУСИҚА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 3(5 Part 2), 23–34.
24. Турсунова Лайло Ергашевна. (2023). МУСИҚА МАДАНИЯТИ ТУШУНЧАСИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ. THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES, 2(17), 20-23.
25. Kirgizov, I., Kirgizov, I., Najmetdinova, M., & Atabayeva, S. (2022, February). THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF MUSIC CULTURE. In *Archive of Conferences* (pp. 57-60).
26. Kirgizov, I., Imyaminovich, K. I., Nurmammedjanov, A., Sotvoldievich, S. B., Mamasodikovna, N. M., & Juraevna, A. S. (2021). The Pleasure of Singing, Listening and Understanding Navoi. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 2410-2413.
27. КАМБАРОВ АБДУМУТАЛ АХАДЖОНОВИЧ, НАЖМЕТДИНОВА МАВЛУДА МАМАСОДИКОВНА //НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ// УСЛОВИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ. Материалы международной научно-практической конференции. 26 апреля 2019 года. 148-151 стр.
28. Камбаров А.А. //Религиозные ценности – прочная основа в формировании гармоничной личности// *Вестник Северо-Восточного федерального университета им. М.К.Аммосова. Серия «Педагогика. Психология. Философия»*. 2022;(3):78-84.
29. Qambarov Abdumutal Axadjonovich //TRANSFORMATION OF SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES THE NECESSITY OF EDUCATING AN ENLIGHTENED GENERATION THROUGH// *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*. Vol. 2, No. 11, November 2021. 150-152 pages.
30. Қамбаров Абдумутал Аҳаджоновиҷ //ПОСТМОДЕРН ДУНЁДА ИЛМИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА МУНОСАБАТ ҲАМДА УНИНГ ДИАЛЕКТИК АСОСЛАРИ// НамДУ илмий ахборотномаси. 2020 йил, 9-сон. 158-165
31. Kambarov Abdumutal Ahhadjonovich //ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS// *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 2: Iss. 9, Article 27. 158-165
32. Qambarov Abdumutal Axadjonovich, Najmetdinova Mavluda Mamasodikovna //MARGILAN LARGE ASHULA SCHOOL// *European Scholar Journal (ESJ)*. Vol. 2 № 5, MAY 2021. 279-283 pages.